



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2017 йил 13 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 208 (13.541)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳидни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон Республикасининг БМТ, унинг тузилма ва институтлари билан амалий ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Жорий йил май ва июнь ойлариде БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад Ал-Хусайннинг Ўзбекистонга ташрифлари ҳамда улар билан ўтказилган учрашувлар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги иштироки якунлари бўйича БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларига мувофиқ ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган "йўл хариталари" қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича қабул қилинган узоқ муддатли Ҳаракатлар стратегияси ва БМТ билан кенг қўламли ҳамкорлик дастурининг устувор йўналишларидан бири экани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб келмоқда. Улар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун зарур барча шароитлар яратилган. Жамиятимизда дўстлик ва меҳр-оқибат, миллатлараро ва динлараро тотувлик муҳити янада мустаҳкамланмоқда.

БМТ махсус маърузачиси Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлаш, динга эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик бўйича янги босқичда амалга оширилаётган ўзгариш ва ислохотларни юксак баҳолади.

Махсус маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида баён этилган ташаббусларнинг долзарблиги ва ўз вақтида илгари сурилганини алоҳида қайд этди.

Хусусан, Аҳмад Шаҳид "Маърифат ва диний бағрикенглик" номли махсус резолюцияни қабул қилиш тўғрисидаги таклифи, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот маркази ва Тошкентда Ислам цивилизацияси маркази ташкил этилаётганини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Учрашувда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, динлараро ва миллатлараро муносабатлар ҳосидада ўзаро мувофиқлаштирилган чоралар қўриш ва қўшма тadbирлар ўтказиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

БМТ махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ҳамда Ўзбекистонга ташрифи тadbирларига бой дастур асосида ташкил этилгани учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикаси билан тизимли, очик ва амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлигини қайд этди.

ЎЗА

Аҳмад ШАҲИД: ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТАДИ

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси бошчилигидаги делегацияси жорий йил 2-12 октябрь кунлари мамлакатимизда бўлди. Делегация раҳбари Аҳмад ШАҲИД ташриф якунлари бўйича ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Аввало, самимий қабул учун Президент Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдирамиз. Ўзбекистон Президенти билан мамлакатда турли миллат ва элат вакиллари, турли динга эътиқод қилувчилар ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг қонуний манфаатларини таъ-

минлаш каби қўллаб масалаларни му-

ҳокама қилдик. Биз Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига бўлди, вазирилик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оддий одамлар билан суҳбатлашдик. Юртингизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллат-

лараро ва диний бағрикенгликнинг нақадар мустаҳкам эканлигига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, биз МДХ Иқтисодий кенгашидаги иш-

тирокимизни кайта тикладик. Биз Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги ҳуқуқий базаси ва ҳамкорлиги ҳолатини тубдан қайта қўриб чиқиш ва шў асосда уни кенгайтириш учун имкони-ятлар истиқболлини белгилаб олишни режалаштир-ганмиз. Биз бир қатор устувор йўналишлар бўйича, авва-

ло, савдо, инвестиция, транспорт, туризм, таълим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Владимир Владимирович! Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари саммити иш-тирокчилигини қутлашга ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинга са-мимий қабул ва меҳмондўстлик, шунингдек, учрашу-вимиз юксак даражада ташкил этилгани учун чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Россия ўзининг раислиги доирасида Ҳамдўстлик-нинг устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишларни бажарди.

Энг муҳими, Россия Федерациясининг принци-пиал позицияси туфайли МДХга зарурат бор-йўқли-ги тўғрисидаги мунозараларга "яқиний нукта" қўйил-ди.

Ҳамдўстлик ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини тўлиқ исботлаганини таъкидламоқчиман.

Бугунги кунда Ташкилотимизни янада ривожлан-тириш ва мустаҳкамлаш, унинг халқаро нуфузини муттасил ошириб бориш зарурлиги ҳақида аниқ та-саввур мавжуд.

Бу Россия МДХ фаолиятида, сиёсий, савдо-иқти-содий ва гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли му-носабатларни кенгайтиришда муҳим ва асосий ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Барчамиз бугун дунёда рўй бераётган шиддатли ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Илғор технологияларнинг фаол жорий қилинаёт-гани ва глобал ахборот-коммуникация макони та-раққиёт этаётгани барча жараёнларни жадал ва тез ўзгартирмоқда, китъалар, минтақалар, давлатлар ва бизнес даражасидаги ҳамкорликнинг янги шакл-ларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бугун ҳаётнинг ўзи эскича ёндашувлар самара-сиз эканини яққол тасдиқламоқда. Асосий эътибор-ни конструктив амалий ҳамкорликка қаратиш лозим. Биз шиддат билан олдинга қараб ҳаракат қили-шимиз зарур.

Бу борада Ўзбекистон ўз ёндашувларини жиддий мақбуллаштириш ва МДХ фаолиятидаги иштироки-га сифат жиҳатидан янги суръат бағишлашни мақ-сад қилиб қўйган.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, МДХ Ўзбекис-тон учун шунчаки мулоқот, фикр алмашиш ва қараш-ларни солиштириш "майдон" эмас.

Бу тузилма биз учун устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишнинг фойдаларини институтидир. Ҳам-дўстликка аъзо мамлакатлар эса бизнинг доимий шерикларимиз, қўшнларимиз ва дўстларимиздир. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республика-си миллий координатори макомини ташки ишлар вазири ўринбосаридан Бош вазири ўринбосари да-ражасига қўтаришга қарор қилдик.

Шунингдек, биз МДХ Иқтисодий кенгашидаги иш-тирокимизни кайта тикладик.

Биз Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги ҳуқуқий базаси ва ҳамкорлиги ҳолатини тубдан қайта қўриб чиқиш ва шў асосда уни кенгайтириш учун имкони-ятлар истиқболлини белгилаб олишни режалаштир-ганмиз.

Биз бир қатор устувор йўналишлар бўйича, авва-ло, савдо, инвестиция, транспорт, туризм, таълим

ва илм-фан, шунингдек, хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштиришдан манфаатдормиз. МДХнинг биз аввал иштирок этмаган тармоқ орган-лари фаолиятида иштирок этишга тайёрмиз.

Бизнинг пировард мақсадимиз – Ўзбекистон-нинг Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлигини фа-оллаштириш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чи-қишдир.

Буларнинг барчаси муносабатларимизда принци-пиал жиҳатдан янги саҳифа очишига, кенг қўламли ва самарали шерикликини кенгайтириш учун янги им-кониётлар яратишига ишонаман.

Бу борадаги биринчи қадам сифатида 3 ноябрь куни Тошкентда илк бор МДХ Ҳукуматлар раҳбарла-ри кенгашининг мажлиси ўтказилади.

Сизлар қўллаб-қувватласангиз, биз 2020 йилда Ҳамдўстликка раисликини қабул қилиш ва навбатда-ги Саммитни Ўзбекистонда ўтказишга тайёрмиз.

Мухтарам делегациялар раҳбарлари!

Биз ўз олдимизга долзарб муаммоларни бирга-ликда ҳал қилиш, ишонч ва ўзаро англашувни мус-таҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ ва равшан мақсадлар қўймоқдамиз.

Шу муносабат билан МДХда Ўзбекистон иштиро-кининг қуйидаги устувор йўналишларини алоҳида қайд этмоқчиман.

Биринчидан. Биз Ҳамдўстлик макониде ҳеч қан-дай истисно ва чекловларсиз тез фурсатда **тўла-қонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш**нинг тарафдоримиз.

Йил бошидан буён Ўзбекистон ва МДХ мамлакат-лари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 20 фоиз-дан зиёд ошганини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон МДХга аъзо мамлакатлар билан сав-до, инвестиция, инновация ва молия соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор. Биз венчур лойиҳалар ва иқтисодий зоналарни бирга-ликда ривожлантиришга тайёрмиз.

Иккинчидан. **Транспорт ва коммуникация-лар** соҳаси, МДХ макониде самарали интеграция-лашган транспорт тизимини ривожлантириш, мин-тақамизнинг улкан транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш стратегик муҳим йўналишидир.

Маъмурий тартибот ва регламентларни такомил-лаштириш, юк ташувлари ва транзит учун ўзаро пре-ференциаллар тақдим этишни бу борадаги ишлар-нинг муҳим жиҳатлари, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан. Амалий илмий-техник ҳамкорлик ва **таълим соҳасидаги алмашинуви**ни кенгайтиришга ҳамкорликдаги ҳаракатларимизнинг устувор йўнали-ши сифатида қараймиз.

Бизнинг Россиянинг нуфузли олий таълим муас-сасалари билан биргаликда тўплаган тажрибамиз асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма дастурлар, юқори технологиялар соҳасида лойиҳалар, шунингдек, ҳамкорликда илмий тадқи-қотлар олиб боришни таклиф этамиз.

Тўртинчидан. **Туризм** соҳасида катта истиқбол-лар мавжуд.

Фиркимизча, биздаги кенг имкониётлар ва улкан туризм салоҳияти, афсуски, ҳалигача тўлиқ ишга со-линмаган.

ломалар қадамжолари обод этилиб, аҳоли ва меҳмонлар мазкур муқад-дас масканларни эмин-эркин зиё-рат қилмоқда.

Ўзбекистонда миллатлараро ва дин-лараро тотувлигини таъминлаш бўйи-ча ноёб тизим яратилган. 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний кон-фессия вакиллари тинч-тотув яшамоқ-да. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, фу-қароларнинг дин ва эътиқод эркин-лиги қонунчилик асосида қафолатлан-ган.

Ушбу ташрифимиз натижалари Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳам-корлик муносабатларини юксак бос-қичга қўтаришга, янги имкониётлар ва йўналишлар очишга хизмат қилиши-га ишонамиз.

А.ЎРЗОВ
ёзиб олди

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Маълумки, "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида 2017 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтказилган сайловни юқори савияда ўтказишга катта тайёргарлик ишлари олиб бориламоқда.

Жумладан, куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенга-шига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни шаҳар сайлов комиссияси раиси Ҳ.Кари-мов олиб борди.

Унда шаҳар сайлов комиссияси аъзоларини туманларга бирик-тириш, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сай-лов ўтказиш бўйича шаҳар сайлов комиссияси тadbирлар режа-сини ва сайловни ёритиш бўйича ягона матбуот марказини тас-диқлаш масалалари қўриб чиқилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашла-рига бўлиб ўтадиган сайловни самарали ташкил этиш ҳамда Ўзе-бекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва ша-ҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунига жойларда амал қилинишини назорат қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсади-да шаҳар сайлов комиссияси аъзолари туманларга бириктирил-ди.

(Давоми 2-бетда)

БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИ МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗДИ

Пойтахтимизда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тadbирда давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, дипломатик корпус, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

БМТ махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги деле-гация 2-12 октябрь кунлари мамлакатимизда бўлди. Ташриф давомида делегация Ўзбекистонда дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мамлакатим-зининг бу борадаги ижобий тажрибаси билан яқиндан танишди.

Аҳмад Шаҳид мамлакатимиз парламенти, вазирилик ва идо-ралар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, но-давлат ношжорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Қорақал-поғистон Республикаси, Фарғона ва Бухоро вилоятларида диний конфессиялар ва миллий маданий марказлар фаолия-ти учун яратилган шароитлар, маҳаллаларда аҳиллик ва ҳам-жихатлигини таъминлаш, Халқ қабулхоналари томонидан фу-қароларнинг муносабатларини ўрганиш бўйича амалга оши-рилаётган ишлар билан танишди.

Махсус маърузачи Ўзбекистонда 16 конфессияга мансуб диний ташкилотлар, 140 га яқин миллий маданий марказ эмин-эркин фаолият юритаётгани, юртимизда турли динлар-га мансуб кадрларнинг асраб-авайлаш, диний маросимлар-ни адо этиш учун зарур шароит яратиш, динлараро ва мил-латлараро ҳамжихатлигини янада мустаҳкамлашга эътибор қаратилаётгани ютук эканини алоҳида таъкидлади. Ушбу мис-сия Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб номланган 2017 йилда амалга ошгани мамлакатимизда халқ билан мулоқот, аҳоли муносабатлари билан ишлаш бўйича яратилган янги тизим ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш, давлат идораларининг оддий одамлар муаммоларини ҳал этиш жараёни билан бевосита танишиш имконини берганини қайд этди.

– Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси-нинг 72-сессиясида сўзлаган нутқида "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак" деган фикр-

ларни баён этгани эътиборимизни тортди, – деди Аҳмад Шаҳид. – Ташрифимиз давомида Ўзбекистонда бу борадаги ишларни ўз кўзимиз билан қўришга муваффақ бўлдик. Ўзе-бекистон Конституциясида ҳар бир фуқаро учун диний эътиқод эркинлиги қафолатланган, таълим соҳасини ривожлантириш, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш, буюк алломалар меъросини ўрганишга қаратилаётган эътибор диқ-қатга сазовор. Айниқса, сўнгги бир неча ойда қонунчи-нинг диний оқимларга аралашиб қолган 16 мингга яқин фуқаро соғлом ҳаётга қайтарилгани ибратли ташаббусдир.

Аҳмад Шаҳид Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда тинч-лик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган ислохот-ларни изчил амалга оширишга жуда жиддий ва ёрқин дастур эканини таъкидлади. Журналистларни қизиқтирган саволлар-га жавоб қайтарди.

М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Туманларга бириктирилган шаҳар сайлов комиссияси аъзолари зиммасига туман сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланган календарь режа ва тадбирлар режасига қатъий амал қилинишини мониторинг қилиб бориш, туман сайлов комиссияларининг йиғилишларида иштирок этиш, туман сайлов комиссиялари фаолиятига услубий жиҳатдан кўмаклашиш, округ сайлов комиссияларининг фаолият юритиши учун шaroит яратишга кўмаклашиш, участка сайлов комиссияси аъзоларининг шаклланиши жараёнида қонунийликка риоя қилинишига эътибор қаратиш, сайлов комиссиялари бинолари ва хоналарини белгиланган тартибда жиҳозлаш масалаларини ўрганиш, сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонунчилик талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2017 йил 30 июнда қабул қилинган “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича тадбирлар дастури” ижросини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Йиғилишда сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, сайловчиларни сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, номзодларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш, сайловчиларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини амалга ошириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий партияларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини сайловчиларга, кенг жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун зарур шарт-шaroитлар яратиш, сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонунчилик талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиялари томонидан дастурда белгиланган вазифалар ва муддатларга амал қилинишини мувофиқлаштириш шаҳар сайлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлиб қўйилди.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ошқоралик таъминлашга риоя қилган ҳолда юксак демократик даражада ўтказиш, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига сайловга тайёргарликнинг қандай кечиши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боришлари учун зарур шарт-шaroитлар яратиш, ўз вақтида ахборот олиш ва тарқатишнинг таъминлаш мақсадида шаҳар сайлов комиссияси ҳузурида ягона Матбуот маркази ташкил этилиб, унинг маърузи Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй деб белгиланди.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар бўйича шаҳар сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида”ги қарорига асосан 2017 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Айни кунларда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиялари бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тавсия этилган номзодлар фаолиятига тенг шарт-шaroитлар яратиш, сайловни демократия, очиқлик ва ошқоралик таъминлаш асосида ўтказиш, сайлов жараёнида аҳоли орасида кенг тарғиб-таъшиқ қилиш ҳамда сайловда сайловчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ишларни олиб бормоқдалар.

Жумладан, жорий йилнинг 9-10 октябр кунлари халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияларининг таркиблари кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Округ сайлов комиссияларининг таркиби билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг расмий сайти – www.tashkent.uz орқали танишиш мумкин.

10-13 октябр кунлари халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни

21-моддасига мувофиқ, сайловда иштирок этиш хоҳишини билдирган сиёсий партиялар, жумладан, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси туман Кенгашларининг халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловда иштирок этиш ҳақидаги аризалари ва ушбу партияларнинг рўйхатга олингани ҳақидаги маълумотномалар кўриб чиқилди.

Жумладан, Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, Сергели, Олмасзор, Учтепа, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яқкасарой ва Яшнобод халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиялари томонидан қабул қилинган қарорларга кўра, Tadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг туман Кенгашларига халқ депутатлари туман Кенгашига ўтказиладиган сайловда қатнашишларига ўрнатилган тартибда ижозат берилди.

(Ўз мухбиримиз)

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАЛАРНИ 2018 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аxborotномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги тахрири) Қонуни 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аxborotномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 8-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аxborotномаси 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ҳолатида қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 73-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон, 333-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2018 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2017 йил 20 августдаги баёнини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шайхонтоҳур туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 195 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2340 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин: ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнидаги тўқнашчиликни бажариш имконини (соғлиқнинг аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашувчи Шайхонтоҳур тумани марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшга яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Шайхонтоҳур туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2018 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2017 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камидан 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелдан кейинки иш жойларининг қолган қисми 75 фоизи билан барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шaroитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг махсус раҳбарига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 15-бандига мувофиқ жазима солинад.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисmini туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашувчи Шайхонтоҳур тумани маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашувчи жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Шайхонтоҳур тумани бандликка кўмаклашиш маркази (Д.Солеева):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мажкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

8. Мажкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Содиқов зиммасига юклатилсин.

Шайхонтоҳур тумани ҳокими

О.Рустамов

2017 йил 4 октябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухоро муҳандислик-технология институтида “Бўлғуси оила бекаси, келажгимиз эгаси” шиори остида қизлар фестивали ўтказилди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юрлари талаба қизлари ва маҳаллалардаги уюшмаган қизлар вакиллари иштирок этди.

• Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги “Кимёгарлар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида кўп қаватли 54 хонадонли иккита уй-жой фойдаланишга топширилди. Бундай эзгу ишларни давом эттириш мақсадида 2018 йилги дастур асосида ҳудудда яна 5 та 9 қаватли уй реконструкция қилиниб, ёш оилалар, уй-жойга муҳтож фуқароларга ипотека кредити асосида тоширилиши режалаштирилган.

• Навоий вилояти Учқудуқ туманида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, мутасадди ташкилотлар вакиллари, партия фаоллари, тадбиркорлар, фермерлар, журналистлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Буюк Британиянинг Ньюкасл университети профессори Рой Тейлор иккинчи турдаги қандили диабетдан қутулиш дастурини тақдим этди. Қарийб қирқ йил давомида иккинчи турдаги қандили диабетни ўрганган экспертнинг фикрича, ошқозонни беши томонидан ортиқча ёғнинг йўқотилиши инсулин нормал ҳолатда ишлаб чиқарилишини тиклайди. Бу хасталик жигар ва ошқозонни бешидаги ёғ миқдорининг кўпчилиги туфайли келиб чиқади, ундан паст калорияли пархез ёрдамида қутулиш мумкин. Даволаниш дастури икки босқичдан иборат бўлиб, дастлаб истеъмол қилинаётган овқат калорияси камайтирилади. Иккинчисида жисмоний фаоллик оширилади.

• Германиядаги Мюнхен университетининг кардиология кафедраси тадқиқотчилари юрак ва қон томирлари учун зарarli бўлган беш махсулот номини маълум қилди. Мутахассисларнинг фикрича, дудланган ва ярим дудланган қолбаса махсулотлари, вино, шампан виноси ва пиво каби спиртли ичимликлар юрак ва қон томирлари учун хавфли ҳисобланади.



ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА

“Туркистон” саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Энг намунали оила” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Унда туман босқичида ғолиб деб топилган оилалар вакиллари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни миллий анъаналаримизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, оилалар тинчлиги ва фаровонлигини оширишга қаратилган юксак эътибор давлатимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

